Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 206 (6. 995) 1989 йил 8 сентябрь, жума Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ СССР Олий Совети Президиумининг таклифига мувофиқ расмий ташриф билан Москвага кетаётган Индонезия Республикаси Президенти Сухартонинг рафиқаси билан Ўзбекистон диёрида бўлиши ҳақида расмий хабарлар берилган.

⊙ Александр Викторенко билан Александр Серебровнинг «Союз—ТМ—8» кемасидаги космик парвози давом этмоқда. Экипаж ўтган иш куни чоғида кема ичидаги системаларнинг ишлашини, унинг бўлимларида эшикларининг зичлигини текширди. «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан узоқдан яқинлашиш юзасидан иккита машқ ўтказилди, деб хабар беради учишни бошқариш маркази.

⊙ 1989 йил 5 сентябрь куни Совет Иттифоқида «Союз» учирувчи ракетаси ёрдамида Ерининг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Ресурс—Ф» учирилди, дейилади ТАСС хабарида.

⊙ «Редакцияга жавоб» — «Правда» газетасининг долзарб мавзудаги бугунги мақоласи ана шундай номланади.

ЖАҲОН ИЧИДА 24 СОАТ

● **ВАШИНГТОН. Президент Жорж Буш чет эл мамлакатларининг элчилари, АҚШ маҳаллий ҳокимиятининг ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг вакиллари, бизнесменлар, жамоат арбоблари билан учрашди.**

Ушбу учрашувдан мақсад АҚШда гиёҳвандликка қарши курашда президентнинг янги стратегиясини уларнинг қўллаб-қувватлашига эришишдир. Президент бу стратегияни «энг муҳим ички вазифа» деб атар экан, қуйидагиларни таъкидлади: «Кенг кўламда биргаликда халқаро кучғайрат сарфлабгина биз мамлакатга наркотик моддалар олиб келинишини қисқартиришимиз мумкин. Бу урушни Қўшма Штатларнинг якка ўзи олиб бора олмайди. Бу жангда бошқа мамлакатларнинг мададига таяниш керак».

● **АНҚАРА. Туркия пойтахтининг арбитражи Искандерун ва Қорабуюкдаги металлургия заводлари ишчиларининг 125 кундан буён давом этаётган иш ташлашини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарди.** «Челик иш» касаба союзига уюшган қарийб 24 минг пўлат эритувчи корхоналарнинг маъмуриятлари янги меҳнат шартномалари тузиш ва пулнинг жуда қадрсизланаётганини ҳисобга олиб, ишчиларнинг маошини оширишни рад этганидан кейин иш ташлашга мажбур бўлган эдилар. Ҳукумат вакиллари ҳамда меҳнат ва таъминот министри И. Ойқут воситачилик қилиб куч-ғайрат сарфлашларига, меҳнат низосини бартараф этиш учун бир неча бор уринишларига қарамай сира натижа чиқмади.

● **ХАРАРЕ. ЖАРда бўлган парламент сайлови чоғида ҳукмрон миллатпарвар партия парламентни назорат қилишдек мавқеини сақлаб қолаолди, аммо шундай бўлса ҳам 1948 йил ҳокимият тепасига келганидан буён ўнг катта талофот кўрди.**

Иоханнесбургда эълон қилинган сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, бу партиянинг номзодлари бундан буён парламентда фақатгина 93 ёки 94 ўринни эгаллайдилар, ҳолбуки сайловга қадар уларнинг ихтиёрида 123 та мандат бор эди.

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, илгари, анъанага кўра, миллатпарварларни ёқлаб келган оқ танли сайловчиларнинг овозлари қисман апартеид системасини дахлсиз деб сақлаб қолишни маъқуллаётган ўта ўнг консерватив партияга, қисман эса апартеид системасини бекор қилишни маъқуллаётган демократик партияга ўтди.

ЖАҲОН ИЧИДА 24 СОАТ

«Оқшом»га хатлар

Ўн икки йиллик оворагарчилик

БАЪЗАН ҳайрон қоламан: ҳозир ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки жой билан таъминлаш тўғрисида кўп гаплар бўлаяпти. Бироқ шунчалик ғайрат билан киришилган иш идораларо тўсиққа учраётганига қандай чидаш мумкин. Бу ўринда мен ўз ҳовлим бўлатуриб уни ўзимга расмийлаштиришдаги қийинчиликларни назарда тутаяпман. Биз 1977 йили Собир Раҳимов районидан Сағбон кўчасига қарашли Тарих проездининг 6/0-уйини сотиб олдик. Сотиб олдигу бошимиз ташвишдан чиқмай қолди. Уни ҳалигача прописка қила олганимиз йўқ. Ахир уй-жой муаммосини ҳал этиш ўз-ўзидан бўлмайдиқу? Бизга ўхшаб 12 йиллаб ҳовлисини расмийлаштира олмаётганларга ким ёрдам беради? Мутасадди идораларга, суд, нотариусга, ҳуқуқшуносларга ва комиссияларга қатнайвериб силлам қуриди. Олмаган справкам қолмади. Ахир бизга ўхшаганлар оз эмас. Уларга жойларда ёрдам берилса бу уй жой муаммосини ҳал этишни анча енгиллаштиришга имкон яратган бўлардику?

Р. РАҲМОНОВА.

Назоратсиз майдонча

ҲАМЗА районидаги «Толариқ» маҳалла комитети томонидан ташкил қилинган болалар майдончасининг қурилганига эндигина икки йил бўлди. Тўғри, янгилигида чиройли қилиб безатилган, энг яхши арғимчоқлар қўйилган эди. Ағар йўлингиз шу томонга тушса, узоқдан ҳам хурсанд ва бахтиёр болаларнинг хандон кулгулари эшитилиб турар, бу ер эса жажжи ва қувноқ кичкинтойлар билан гавжум эди. Ҳозир-чи?

Менинг ҳам кенжа укам авваллари ўзининг ўртоқлари билан бирга ана шу майдончада бўш вақтларини ўйин билан ўтказар эди. Уйга хурсанд, кўнгли тўлиб қайтарди, чунки улар ўзлари хоҳлаган ўйинни хавф-хатарсиз, бемалолроқ ўйнашарди-да. Кейинчалик эса бормай қўйди шекилли ҳар куни «зерикиб кетдим» деб хархаша қила бошлади. Махсус қурилган майдончага нега бормай қўйди экан, деб шу жойга йўл олдим. Кетяпману, негадир майдонча томондан танғиш кулгулар, қийқириқлар қулоққа чалинмаётгани, ҳаммаёқ жим-житлигига ажабландим. Яқинроқ бориб қарасам, ҳақиқатан ҳам у ерда ҳеч ким йўқ экан. Майдончанинг ўзи эса ночор аҳволда. Бу ерга секин-аста кўз қиримни ташлар-канман, дилимни бир савол жуда тирнарди: «Наҳотки яқиндагина қурилиб, кичкинтойларга топширилган майдонча бугунги кунда шундай аҳволга тушиб қолган бўлса?»

Уни ўраб турган панжараларнинг ярми йўқ, синдирилган, қийшайиб ётибди. Арғимчоқлар ҳам фойдаланиб бўлмайдиган ҳолда. Ҳовлисининг ичи ифлос, қуриган дарахтларнинг шохлари синдириб ташланган, соябонлари ҳам қийшайиб, қулай деб турибди. Кираверишдаги дарвозанинг бир ёнида эса анчагина қум, иккинчи томонида ғишт, хуллас, қурилиш материаллари омборига айланган. Ўйлаб кўринг-а, ким шундай аҳволга тушиб қолган жойга келиб ўйнаркин? Ҳайронман, эндиликда бу ерга қайси севикли болажон ташриф буюраркин?

М. ОМОНОВА.

Ҳанузгача билмаймиз

ЎЗБЕКИСТОН ССР агросаноат Давлат комитетининг республика таъминот базасида катта инженер бўлиб ишлайман. Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича иш олиб бораман. Бизнинг таъминот базасидаги иккита омборда (7 ва 12-) одамлар заررали муҳитда ишлашади. Яъни бу омборларда, масалан, еттинчи омборда турли бўёқлар, ацетон эритмалари, ўн иккинчи омборда эса автопокришка, резинали шланглар, автокамералар ва турли резина маҳсулотлари бор. Биз ишчиларни ҳар куни ярим литрдан сут билан таъминлаймиз.

Бироқ бу омборларда ишловчи кишилар яна қандай имтиёзлардан фойдаланиши мумкин, яъни қўшимча ҳақ, отпускага қўшимча кун бериш ва пенсияга чиқиш ҳақида мутасадди раҳбарларнинг мукаммал жавоб беришларини сўраймиз.

Э. ҲОШИМОВ.

Обуначилар минбари

УМИД БИЛАН ЕЗИЛСАГУ...

⊙ **«Ҳурматли редакция! Хатимни синчиклаб ўқиб чиқиб ёрдам берсангиз. Кўпчилик қатори мен ҳам ҳар йили 70—80 сўмлик газета-журналларга обуна бўламан. Лекин алоқа ходимларининг ўз ишларига совуққонлик билан қарашлари жуда асабимга тегди. Айниқса «Известия» газетасини ҳеч қачон мунтазам равишда олиб келишмаган. Почтальондан сўрасам, қутига солганман, деб қўя қолади. «Советская Россия» газетасига ҳам обуна бўлгандим, аммо шу пайтгача биронта ҳам олганим йўқ. Турмуш ўртоғим 204-алоқа бўлимига мурожаат этса, у ердагилар: «Кетаверинг, текширамиз, газета энди ўз вақтида қўлингизга тегади», деб ваъда беришибди. Ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Бор умидим сизлардан, ёрдам берингилар.**

А. ШЕРМАТОВ,
2-уйсозлик комбинати ишчиси».

Бундай ҳолнинг бугунги кунда учраши жуда ачинарли. Киши умид билан ўзи севиб ўқийдиган газета ёки журналга обуна бўлса-ю, ололмаса! Бу арзномага 204-алоқа бўлимидаги ўртоқлар нима дейишаркин, Ёки яна бирон ваъда билан қутилиб кетишармикан?

САЛОМАТЛИГИДАН ХАВОТИРДАМИЗ

⊙ **«Ҳурматли «Тошкент оқшоми» редакцияси! Бир савол билан мурожаат этмоқчи эдим. Утган йили «Тошкент оқшоми»да машҳур боксчи Руфат Рисқиев билан суҳбат эълон қилинган эди. Унда Москвада даволаниб келганлиги ҳам айтилганди. Ўқиб жуда хурсанд бўлгандик. Бироқ яқинда уни бетоб деб эшитдик. Шу тўғрими! Иложи бўлса собиқ жаҳон чемпионининг ҳозирги аҳволи ҳақида мақола ёки савол-жавоб тайёрласангиз.**

Ҳурмат билан:
И. ГИЕСОВ,
ҳайдовчи».

Дарвоқе, Р. Рисқиевнинг кейинги тақдири билан қизиқиб битилган мактублар бизда анчагина. Кишининг кўнгли кўтаради, уларни ўқиб. Мухлислар ўзбек спортининг фахрини ҳурмат билан тилга олишади.

Ҳақиқатан ҳам Р. Рисқиевнинг саломатлиги сўнгги пайтларда ёмонлашганди. Фидойи шифокорлар уни оёққа турғазишди. Уни ҳозирча безовта қилмай, онаси Н. Амирсаидовага мурожаат этгандик. Унинг жавобини яқин кунларда эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОБУНА ЧЕКЛАНГАНМИ!

⊙ **«Тошкент оқшоми» газетасини севиб ўқийман. Лекин шу пайтгача обуна бўлган эмасман. Тунов куни бир танишимдан «Оқшом» 2—3 йилдан буён бутун республикага тарқатилипти» деган гапни эшитиб қолдим. Алоқа бўлимига бориб учрашсам, «Мумкин эмас» дейишди. Ростдан ҳам бу газетага бошқа областларда обуна бўлиш давом этяптими!**

Қ. ТУРДИЕВ,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон райони».

Дўстингизнинг гапи тўғри. «Оқшом»га обуна бўлиш ҳозир республика миқёсида давом этяпти. Сиз ҳам бемалол ёзилишингиз мумкин.

«МАТОНАТ»ГА ОМАД

⊙ **«Эшитишимча, Тошкентда «Матонат» футбол командаси ташкил этилибди. Унинг асосини Афғонистон Республикасида хизмат қилган инвалид собиқ байналминалчи-жангчилар ташкил этар экан. Шу ҳақда, унинг келгуси режалари, олдида турган муаммолари ҳам ёритилса. Балки бизнинг ҳам ёрдамимиз тегар.**

М. АБДУРАҲМОНОВ,
Марғилон шаҳри».

Дарҳақиқат, шундай команда тузилган. Ҳозир бу коллектив АҚШда инвалидлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида қатнашяпти. Йигитлар сафардан қайтишгач, улар ҳақида албатта мақола эълон қиламиз.

● **Ҳурматли оқшомхонлар! Яқин орада яна қандай мақола ва очерклар ўқишни, кимлар билан учрашувлар ўтказишимизни истайсиз. Қандай саволлар сизни қизиқтиради! Хатларингизни кутамиз.**

Сут дўкони зарур

«ОКТЯБРЬ» бозоридамиз. Расталардаги мева-чевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан кўзингиз қамашади. Ўнни танлаб бирини оласиз. Бозорга қўлида сут, қатиқ, сузма солинган ҳалта кўтариб бир аёл кириб келди. Кишилар уни саволга кўмиб ташлашди.

— Қаердан сотиб олдингиз?

— Хадрадан.

— Кўп эканми? Борсак улгурамизми?

— Парҳез сузма ҳам борми?

Саволлардан аёлнинг боши гангиди.

— Бозорга ҳам битта сут дўкон очилса-ку сарсонгарчилик камаярди, — деди бир қария.

Бозорда озиқ-овқат, қурилиш, саноат, хўжалик моллари ва бошқа магазинлар мавжуд. Айни пишиқчилик пайтида бозорга тушган киши истаган мева, сабзавотни, магазинлардан керакли буюмларни харид қилиши мумкин. Бироқ шундай катта бозорда сут маҳсулотлари сотиладиган дўкон йўқ. Гоҳ-гоҳида бозор ичидаги ва атрофидаги ошхоналарда сотилишини ҳисобга олмаганда, сут, қатиқ, қаймоқ, сузма, парҳез сузма ва бошқа маҳсулотлар учун Бош универсал магазинига боришга тўғри келади. Шаҳар савдо Бош бошқармасидагилар бу ҳақда ўйлаб кўришлари зарур.

С. ШАМСИЕВ.

Эътиборсизликми, ё...

ЯНГИ ўқув йили арафасида фарзандларимизни шаҳар марказидаги оромгоҳларга олиб чиққандик. Айланиб юриб А. Навоий номли театр олдидаги фонтанга бордик. Биз ота-оналар четдаги ўриндиқлардан аранг жой топдик. Чунки одам кўп, ўриндиқлар эса жуда оз эди.

Болалар қувнашиб ўйнаб юришганди. Кутилмаганда бири йиқилиб тушдию, бурнидан тўхтовсиз қон оқа бошлади, ҳовуздан сув олиб ювинтирдик.

Қон кетиш тўхтагач, ундан нима бўлганини сўрадик. У майдонга ётқизилган бетон плиталарга қоқилиб, оёқ кийими симлари орасига кириб қолганини айтди.

Ҳақиқатан ҳам майдонга ётқизилган бетон плиталаринг кўпи уқаланиб, ёрилиб кетганди. Симлари чиқиб ётибди. Ўша кунинг ўзида бир неча одамнинг қоқилиб тушганини кўрдик. Хуллас, кўнгил хиралик билан уйга қайтдик.

Наҳотки, шаҳар марказига жойлашган театр майдони шундай аянчли, қаровсиз ҳолда бўлса. Бу ерга кунига юзлаб ҳамшаҳарларимиз, сайёҳлар ташриф буюришади. Шундай мўътабар жойга эътиборсизлик билан муносабатда бўлинаётганига ҳайронмиз.

О. САЙДАМИНОВ.

Тонг ўрнига тунда

БОШҚА кишилар каби бизлар ҳам кундалик ҳаётимизни газета-журналларсиз тасаввур қилолмаймиз. Аммо бир неча йилдан буён бизлар обуна бўлган кундалик газеталарни мунтазам равишда кеч соат еттидан кейин олаяпмиз. Бундан бир йил аввал почтальон М. Шерова бизга хизмат кўрсатар эди. У касалманд бўлиб қолди, ўрнига ўзи билан бирга 69-алоқа бўлимида ишловчи қизи газета-журналларни тарқатадиган бўлди. Шу-шу «эпчил қиз» бир ўзи икки штатда ишлашни одатдаги ҳолга айлантирди. Ҳозир у эрталабдан кечага хат, газеталарни хилларга ажратиб, кеч соат 19 дан 21 гача бизга тарқатмоқда.

Бир тасаввур қилиб кўринг-а, кечқурун ойнажаҳондаги кундалик ахборотларни эшитамизми, газетани ўқиб чиқамизми? Бу ҳақда биз коллектив равишда Октябрь район алоқа узели бошлиғига хат ёздик ва жавобини ҳам олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Ҳақиқатан сизларнинг шикоятларинг тўғри, шунинг учун она ва бола почталонларни 1989 йилнинг май ойида оладиган мукофот пулларидан маҳрум қилдик... Энди уларнинг иши устидан назорат ўрнатамиз».

Шундан сўнг почтачининг қизи 10—15 кун ҳар куни соат 13—14 гача газетани ўз вақтида олиб келди. Сўнг яна эски аҳволга тушиб қолди. Фикримизча, «эпчил қиз» ҳозир ҳам икки вазифани бажараяпти. Чунки газеталари аранг кеч соат 20—21 ларда олаяпмиз. Бундай хизматнинг кимга кераги бор? Энди алоқа бўлимидаги тартибни ким изга соларкин?

Ф. НУРИДДИНОВ,
А. КАРИМОВ.



Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган участкаларда ишчиларнинг оғири енгил бўлаяпти, иш унуми ҳам ошаяпти. «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмасининг моҳир операторларидан бири Валентина Клёцкина кундалик топшириқларни муваффақиятли адо этаяпти. Унинг бу ерда ишлаётганига 7 йилдан ошди.

Т. Каримов сурати.

Тошкент шаҳар партия комитетида

Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг 7 сентябрь куни бўлган мажлисида Тошкент метрополитенининг «Чкалов» станциясида ва «Ташсельмаш» — «Чкалов» станциялари оралиғидаги ноҳуш экологик вазият тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ерда метрополитен иншоотига қўшни В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясидан зарарли кимёвий моддалар билан булғанган сизот сувлар сизиб кириши муносабати билан ниҳоятда ноқулай экологик вазият вужудга келди, деб таъкидланди. Электр поездлари машинистларининг, станция ходимларининг касалланиш ҳоллари бўлди. Ана шуни ҳисобга олиб, шу йил 5 сентябрдан «Тошкент» ва «Чкалов» станциялари оралиғидаги участкада электр поездларининг ҳаракати экологик вазият нормал ҳолга келгунича вақтинча тўхтатилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишидаги камчиликлар, кўнгилсиз экологик вазият вужудга келгани учун В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коммунист раҳбарлари В. Н. Журавлев, Р. Н. Тригулов, В. Е. Каль ўртоқлар қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети метронинг «Чкалов» станциясида, унга туташ перегонларда экологик вазиятни зудлик билан яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиққанлиги, ана шу тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилганлиги эътибор учун қабул қилинди.

Бюро мажлисида 1989 йилда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг партия группаларида, цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов йиғилишларининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Йиғилишларнинг аксарияти, айниқса Киров, Куйбишев, Ленин районларида ҳали ҳам расмиятчилик ва беғамлик вазиятида ўтмоқда, коммунистлар етарли даражада фаоллик кўрсатишмаяпти, социал-иқтисодий ривожланиш, меҳнат коллективларидаги маънавий-психологик вазият дастлабки тарзда таҳлил қилинмаяпти, сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг ҳисобот-сайлов йиғилиларини тайёрлаш ва ўтказишда роли ва таъсири пастлигича қолмоқда, деб таъкидланди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда ана шу камчиликларни тугатишга доир тадбирлар белгиланди.

Шаҳар партия комитети бюросининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Газетанинг шу сонига хабар

Хўш, метрони ким булғатмоқда?

7 сентябрь пайшанба куни табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг талаби билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидаги гальваник цехлардан бири тўхтатиб қўйилди. Ана шу цех ер ости сувларини хром бирикмалари билан булғатмоқда, деб шубҳа қилиняпти, шу боисдан ҳам метронинг Чкалов номли станцияси ёпиб қўйилди.

— Метрополитен йўлидан 300 метр олисда жойлашган ушбу цех тўрт кунга ёпилди, — дейди Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раисининг ўринбосари В. Конюхов, ЎзТАГ мухбири Н. Шулепинага.—Ушбу станция яқинидаги тоннелдан тешик ўйилди, худди ана шу ердан кеча-кундуз силқиб чиқаётган суюқлик намуналарини олиб турибмиз. Гальваник цех ишламаётган кунларда хром ва бошқа зарарли моддалар миқдори камаярмикан? Шуни аниқламоқчимиз. Агар камайса, ифлосланишнинг айбдори ана шу цех бўлади.

Авиабирлашма айби билан метро ифлосланаётганига бизнинг шубҳамиз йўқ, деб сўзини давом эттирди В. Конюхов. Самолётсозлар гальваник цехларни ишлатиш қоидаларини ва гальваник оқовалар тушадиган жойни тозалаш қоидаларини бузишаётганини биз илгари ҳам аниқлаган эдик. Аммо ҳозир қайси цех айбдор эканлигини аниқ билишимиз муҳимдир. Ҳозир бир цехни тўхтатиб қўйдик, агар биз намуна учун олаётган суюқлик таркибидаги зарарли моддалар миқдори ўзгармай турса, навбатдаги цехни тўхтатамиз, хуллас шундай қилиб, бора-бора айбдор цехни топишимиз керак.

Дарвоқе тадбирлар жиддий, лекин бир савол туғилади: нега энди бу иш Табиатни муҳофаза этиш давлат комитети ва врачлар ташаббуси билан бошланмади, метро машинистларининг ўзлари ишга киришганларидан кейингина бунга эътибор берилди?

Авиазаводда қонун-қоидалар бузилаётгани экологларга анчадан бери маълум. Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг санитария-эпидемиология хизмати раҳбарияти масалани ҳал этишдан ўзини четга олмоқда. Вазият мушкуллиги ҳақида сигналлар, жумладан матбуотда ҳам кўп марта бўлган эдику. Аммо врачлар Чкалов номли станция ходимлари касалланишининг сабабларини ҳануз айтиб бера олмаяптилар.

Лекторлар ҳафталиги

Тошкентда «Ўзбекистон: тарих ва ҳозирги замон» мавзуида лекторлар ҳафталиги тугади. Ҳафталикни Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг фаоллари, Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси, Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши, республика ДОСААФ Марказий Комитети билан биргаликда уюштирдилар ва ўтказдилар.

Меҳнат коллективларида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашни такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар муаммолари муҳокама қилинди. Совет Армиясининг офицерлари партиянинг «Муҳолифликдан — ҳамкорлик сари» доктринаси моҳиятини ёшларга тушунтириб бердилар.

Ҳафталик давомида маҳаллаларда мулоқот — лекциялар ва суҳбатлар, ёшлар учун мунозаралар, республикани ривожлантириш, миллатлараро муносабатларнинг долзарб муаммолари юзасидан семинарлар ўтказилди.

(ЎзТАГ мухбири).

БАЙНАЛМИНАЛЧИ ЖАНГЧИЛАР ХОТИРАСИ

Бухорода маҳаллий «Нурафшон» ва Тошкентнинг «Пахтакор» командалари футболчиларининг ўртоқлик учрашувига 18 минг томошабин келди. Ана шу учрашув ўтказилган «Спартак» стадионига томошабинлар ҳеч қачон бу қадар кўп келмаган эдилар. Учрашув Афғонистонда ҳалок бўлган байналминалчи жангчилар хотирасига бағишланди.

Пойтахт командаси мувафақиятга эришди. Шунга қарамай клуб коллективлари ўртасида республика биринчилигида қатнашаётган «Нурафшон» спортчилари учун ҳисоб фахрли бўлди: пахтакорчилар 2:1 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Маҳаллий гўшт комбинати коллективи, «Бухоро ҳақиқати» ва «Советская Бухара» газеталарининг редакциялари, шунингдек «Меркурий» кооперативи ана шу ҳайрия учрашувини ташкил этдилар ва ҳомийлик қилдилар. Билетларни сотишдан тушган маблағнинг бир қисмини ҳалок бўлган байналминалчи жангчиларга Бухорода ўрнатиладиган ёдгорлик фондига ўтказишга қарор қилинди.

Муштарийларимиз диққатига!

«Оқшом» газеталарининг ҳозирги ва бўлғуси муштарийларига яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз: «Тошкент оқшоми» газетасига 1990 йил учун республикамизнинг барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда. 7 сўм 92 тийин тўлаб обунани расмийлаштириб қўйсангиз кўнглингиз хотиржам бўлади, 1990 йилнинг 1 январидан бошлаб «Оқшом» газетаси файзли хонадонингизнинг меҳмонига айланади. Газетанинг индекси — 64690.

«Оқшом» газетаси обунасига монелик ҳоллари содир бўлса дарҳол редакцияга — 33-29-70 телефонига қўнғироқ қилишни маслаҳат берамиз.

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Матбуотда Ўзбекистон ССР Конституциясн (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари эълон қилинди. Халқ муҳокамасига қўйилган бу лойиҳалар республика меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение орқали, меҳнат коллективларида ҳамда жамоат ташкилотларида қонун лойиҳалари тўғрисида бир ойдан кўпроқ вақт давомида манфаатдорлик билан сўз юритилади.

Ҳозир сиёсий системамизни ислоҳ қилиш кун тартибига қўйилмоқда. Бу ислоҳотнинг асосий ғоялари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида илгари сурилди. Мамлакат давлат ҳокиминятининг юқори бўғинида структуравий ва бошқа чуқур ўзгаришлар юз берди. СССР халқ депутатлари сайлови, халқ депутатларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Съезд СССР Олий Советини ва унинг палаталарининг раисларини сайлади. Олий Совет сессиясида мамлакат ҳукумати тузилди. Комитетлар ва доимий комиссиялар ташкил этилди. Мамлакатимиз давлат ҳаётининг турли масалалари юзасидан қонунлар, бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Амалдаги Ўзбекистон ССР Конституциясининг бир қанча қоидаларини ўзгартирмасдан, шунингдек Советларга сайлов соҳасида ҳозир амалда бўлган практикани қайтадан ташкил этмасдан туриб, республикамизда сиёсий системани қайта қуриш ишларини бошлаб бўлмайди.

Шу сабабли халқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари амалдаги Конституциянинг ҳамма қоидаларини эмас, балки биринчи навбатда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятига тааллуқли қоидаларинигина ўзгартиришга, шунингдек суд органларини ислоҳ қилишга қаратилгандир. Айни вақтда Олий Совет Президиумининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари билан, идораларнинг инструкциялари билан тартибга солишга, ҳокимият олий вакиллик органининг ҳужжатлари бўлган қонунлар эса бутун қонун чиқариш фаолиятида жуда чекланган ўринни эгаллашига барҳам берилади.

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан боғлиқ бўлган асосий вазифа — жамиятда демократия билан тартибни, гражданларнинг ҳуқуқлари билан бурчларини уйғун қўшишни таъминлайдиган қонунларнинг ҳукмронлигини қарор топтиришдан иборатдир. Бу эса бевосита республика қонунлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини кенгайтиришни тақозо этади. Кўпгина қонунлар тайёрланади, бунда қонунлар, демократик жамиятда талаб қилинганидек, турли концепцияларни, позицияларни ва фикрларни таққослаш йўли билан, ошкора, очиқчасига, кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилгандан сўнг ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида қонун чиқариш ишининг ҳудди ана шундай принциплари тўғридан-тўғри гарантиялаб қўйилади. Унда республика Олий Советининг қонун чиқариш соҳасидаги кенг ваколатлари белгиланади, у Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида қонун чиқариш йўли билан тартибга солишнинг бирлигини таъминлаши, қонун чиқаришнинг негизларини белгилаши ёзиб қўйилади. Олий Совет мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалигини ва социал-маданий қурилишни бошқаришни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгилашни, солиқ солиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этишни, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга оширишни, Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериб қўйилган бошқа муносабатларни қонун йўли билан тартибга солади.

Олий Совет фақат қонун чиқарувчи орган эмас, балки давлат ҳокимиятининг бошқарувчи ва назорат қилувчи органи ҳамдир. Олий Советнинг бошқариш соҳасидаги вазифалари, аввало унинг иқтисодий ва социал тараққиётини планлаштириш муаммолари юзасидан қарорлар қабул қилишида, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини йўлга солиб туришида, энг муҳим кадрлар масаласини ҳал этишда эса — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат арбитрини ва бир қатор бошқа мансабдор шахсларни тайинлашида намоён бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг назорат қилиш соҳасидаги ваколатлари ҳам аниқроқ белгиланади. Унга ўзи ташкил этадиган ёки сайлайдиган органларнинг, шунингдек ўзи тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарор ва фармойишлари қонунга мос келмаган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг ишини ташкил этишда муҳим ўзгаришларни амалга оширишни мўлжаллайди. У бир йилда камида уч марта ўзининг навбатдаги сессияларига тўпланиши кўзда тутилмоқда. Олий Совет сессияси Олий Совет мажлисларидан, шунингдек улар ўртасидаги даврда ўтказиладиган Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий ва бошқа комиссияларининг мажлисларидан иборат бўлади.

Президиум Секретари лавозими назарда тутилмаётир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси бошчилик қилади. У Олий Совет ва Олий Совет Президиумининг ишига умумий раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ССР қонунларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди, бир қанча муҳим масалаларни ҳал этади. Раис Олий Советга республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ва бошқа муҳим масалалар ҳақида ахборот беради, тайинлаш ёки сайлаш учун Олий Советга номзодлар тақдим этади, музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларини имзолайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларида ҳам президиумлар тузилади. Чунончи, халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район Советларининг ишини Советларнинг раислари бошчилик қиладиган президиумлар, посёлка ва қишлоқ Советларида эса ана шу Советларнинг раислари ташкил этади. Маҳаллий Советларнинг президиумлари ва раислари Советлар, депутатлар ишини ташкил этиш билан шуғулланадилар, улар Советларнинг ижроия комитетлари ўрнини асло босмайдилар.

Доимий комиссияларнинг роли анча ошади, уларнинг ташкил этилишига ва фаолиятига кўпгина янгиликлар киритилмоқда. Қонун лойиҳалари тайёрлаш соҳасида ҳам, шунингдек халқ хўжалиги, миллатлараро, кадрлар ва бошқа вазифаларни ҳал этишда ҳам доимий комиссияларнинг ваколатларини кенгайтириш мўлжалланган. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Халқ контроли комитети, Олий суди составига мансабдор шахслар Ўзбекистон ССР Олий Советининг тегишли доимий комиссиялари хулоса берган тақдирдагина сайланади ва тайинланади.

Олий Совет томонидан ўн йил муддатга сайланадиган Конституцион назорат комитети республика олий ҳокимият органлари жумласига киradиган мутлақо янги органдир. Унинг асосий вазифаси барча давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятида Ўзбекистон ССР Конституцияси қоидаларининг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлашдан иборат. Бу вазифа комитетнинг составини ҳам (унга сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар киради), шунингдек унинг, масалан, СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки СССР ва республика қонунларига зид тарзда ҳуқуқий ҳужжат чиқарган органга ўз хулосаларини юбориш соҳасидаги ваколатларини белгилаб беради. Бундай хулоса юборилиши ҳужжатнинг ижросини тўхтатиб қўяди.

Баъзи ўзгаришлар Ўзбекистон ССРнинг олий ижроия ва бошқарув органи бўлган Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳам тааллуқлидир. Лойиҳада Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида жавоб беради ва унга ҳисоб беради, деб ёзиб қўйилган.

Республика ҳаётида қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтириш одил судлов органларининг фаолиятини такомиллаштиришни зарур қилиб қўймоқда. Улар гражданларнинг ва жамиятнинг манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашлари керак. Одил судлов катта демократик қудратга эга бўлиб, бу қудратни рўёбга чиқариш — суд ислоҳотининг вазифасидир. Муҳими, суднинг обрўсини ва мустақиллигини анча оширишдан, суд органларини ташкил этиш механизмини ўзгартиришдан, судьяларнинг мустақил ва даҳлсиз бўлиши кафолатларини кенгайтириш ва ҳоказо.

Ўзбекистон ССР Олий Совети фаолиятининг бундай тартиби турган гапки, номигагина қўйилган мақсад эмас, балки объектив эҳтиёждир. Олий Советнинг янги статуси, унинг ваколатлари анча кенгайтирилиши, унда кундалик қонун чиқариш, бошқариш ва назорат қилиш ишининг қўшиб юборилиши — ана шуларнинг барчаси ўзгаришларни зарур қилиб қўяди. Шуни айтиш керакки, Олий Совет аслини олганда узлуксиз ишлайдиган органга айланади. Депутатлар муҳим давлат ишларини фақат Олий Советнинг ялпи мажлисларидагина эмас, балки доимий комиссияларида ҳам ўрганадилар ва муҳокама қиладилар.

Олий Советга ҳисоб берадиган, Олий Советнинг ҳам, унинг комиссияларининг ҳам самарали ишлашини таъминлаши керак бўлган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика давлат ҳокимияти олий органининг уюштирувчи марказидир бўлмоғи керак. Бу — ҳозир ишлаётган президиумга қараганда янги орган бўлиб, қонун чиқариш соҳасидаги барча вазифалар ҳамда кадрлар масаласини ҳал қилиш олдинги Президиумдан Олий Совет ихтиёрига ўтади. Янги Президиум Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларини чақиради, мажлисларни тайёрлашни ташкил этади, доимий комиссиялар фаолиятини уйғунлаштиради. Олий Совет депутатларига ўз ваколатларини бажаришларида ёрдам беради, шунингдек баъзи бошқа масалаларни ҳал қилади. Чунончи, Олий Совет Президиуми ССР Иттифоқини ҳимоя қилиш ва унинг гражданларни хавфсизлиги манфаатларини ўйлаб, СССР Олий Совети Президиуми томонидан республика территориясида ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиш масалаларининг қараб чиқилишида иштирок этади. Унга баъзи «президентлик» ваколатларини (гражданлик, мукофотлаш, авф этиш, дипломатия вакилларини тайинлаш, чақириб олиш ва ҳоказолар) бажариш ҳам юклатилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сайлаб қўйиладиган орган эмас, балки тузиладигай орган бўлиши назарда тутилмоқда. Унинг составига лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Раисининг биринчи ўринбосари, Раис ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси, республика Халқ контроли комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари киради.

Доимий комиссияларнинг ишлаётган президиумга қараганда янги орган бўлиб, қонун чиқариш соҳасидаги барча вазифалар ҳамда кадрлар масаласини ҳал қилиш олдинги Президиумдан Олий Совет ихтиёрига ўтади. Янги Президиум Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларини чақиради, мажлисларни тайёрлашни ташкил этади, доимий комиссиялар фаолиятини уйғунлаштиради. Олий Совет депутатларига ўз ваколатларини бажаришларида ёрдам беради, шунингдек баъзи бошқа масалаларни ҳал қилади. Чунончи, Олий Совет Президиуми ССР Иттифоқини ҳимоя қилиш ва унинг гражданларни хавфсизлиги манфаатларини ўйлаб, СССР Олий Совети Президиуми томонидан республика территориясида ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиш масалаларининг қараб чиқилишида иштирок этади. Унга баъзи «президентлик» ваколатларини (гражданлик, мукофотлаш, авф этиш, дипломатия вакилларини тайинлаш, чақириб олиш ва ҳоказолар) бажариш ҳам юклатилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сайлаб қўйиладиган орган эмас, балки тузиладигай орган бўлиши назарда тутилмоқда. Унинг составига лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Раисининг биринчи ўринбосари, Раис ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси, республика Халқ контроли комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари киради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси бошчилик қилади. У Олий Совет ва Олий Совет Президиумининг ишига умумий раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ССР қонунларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди, бир қанча муҳим масалаларни ҳал этади. Раис Олий Советга республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ва бошқа муҳим масалалар ҳақида ахборот беради, тайинлаш ёки сайлаш учун Олий Советга номзодлар тақдим этади, музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларини имзолайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларида ҳам президиумлар тузилади. Чунончи, халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район Советларининг ишини Советларнинг раислари бошчилик қиладиган президиумлар, посёлка ва қишлоқ Советларида эса ана шу Советларнинг раислари ташкил этади. Маҳаллий Советларнинг президиумлари ва раислари Советлар, депутатлар ишини ташкил этиш билан шуғулланадилар, улар Советларнинг ижроия комитетлари ўрнини асло босмайдилар.

Доимий комиссияларнинг роли анча ошади, уларнинг ташкил этилишига ва фаолиятига кўпгина янгиликлар киритилмоқда. Қонун лойиҳалари тайёрлаш соҳасида ҳам, шунингдек халқ хўжалиги, миллатлараро, кадрлар ва бошқа вазифаларни ҳал этишда ҳам доимий комиссияларнинг ваколатларини кенгайтириш мўлжалланган. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Халқ контроли комитети, Олий суди составига мансабдор шахслар Ўзбекистон ССР Олий Советининг тегишли доимий комиссиялари хулоса берган тақдирдагина сайланади ва тайинланади.

Олий Совет томонидан ўн йил муддатга сайланадиган Конституцион назорат комитети республика олий ҳокимият органлари жумласига киradиган мутлақо янги органдир. Унинг асосий вазифаси барча давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятида Ўзбекистон ССР Конституцияси қоидаларининг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлашдан иборат. Бу вазифа комитетнинг составини ҳам (унга сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар киради), шунингдек унинг, масалан, СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки СССР ва республика қонунларига зид тарзда ҳуқуқий ҳужжат чиқарган органга ўз хулосаларини юбориш соҳасидаги ваколатларини белгилаб беради. Бундай хулоса юборилиши ҳужжатнинг ижросини тўхтатиб қўяди.

Баъзи ўзгаришлар Ўзбекистон ССРнинг олий ижроия ва бошқарув органи бўлган Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳам тааллуқлидир. Лойиҳада Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида жавоб беради ва унга ҳисоб беради, деб ёзиб қўйилган.

Республика ҳаётида қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтириш одил судлов органларининг фаолиятини такомиллаштиришни зарур қилиб қўймоқда. Улар гражданларнинг ва жамиятнинг манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашлари керак. Одил судлов катта демократик қудратга эга бўлиб, бу қудратни рўёбга чиқариш — суд ислоҳотининг вазифасидир. Муҳими, суднинг обрўсини ва мустақиллигини анча оширишдан, суд органларини ташкил этиш механизмини ўзгартиришдан, судьяларнинг мустақил ва даҳлсиз бўлиши кафолатларини кенгайтириш ва ҳоказо.

Ўзбекистон ССР Олий Совети фаолиятининг бундай тартиби турган гапки, номигагина қўйилган мақсад эмас, балки объектив эҳтиёждир. Олий Советнинг янги статуси, унинг ваколатлари анча кенгайтирилиши, унда кундалик қонун чиқариш, бошқариш ва назорат қилиш ишининг қўшиб юборилиши — ана шуларнинг барчаси ўзгаришларни зарур қилиб қўяди. Шуни айтиш керакки, Олий Совет аслини олганда узлуксиз ишлайдиган органга айланади. Депутатлар муҳим давлат ишларини фақат Олий Советнинг ялпи мажлисларидагина эмас, балки доимий комиссияларида ҳам ўрганадилар ва муҳокама қиладилар.

Олий Советга ҳисоб берадиган, Олий Советнинг ҳам, унинг комиссияларининг ҳам самарали ишлашини таъминлаши керак бўлган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика давлат ҳокимияти олий органининг уюштирувчи марказидир бўлмоғи керак. Бу — ҳозир

Оила одоби

**ОТА-ОНА ЯРАТАДИ,
АКА-ОҒА ЕТАКЛАЙДИ.**

(МАҚОЛ)

Ака-укалар

Кишилар ўртасидаги ахлоқ-одоб, ҳурмат-садоқат ва қадрият инсоний муносабатларнинг олий кўринишларидан бири ака-укалар, яъни оғаинилар билан опа-сингиллар ўртасидаги меҳр-оқибат, иззат-икром, қадриятнинг қай даражада бўлишлигида ҳам намоён бўлади. Зеро, ака-укалар, опа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари, бир-бирларига нисбатан мурувватлари, самимий алоқалари оила шаънининг муқаддас ва поклигини мустаҳкамлайди, эл-юрт олдидаги обрў-эътиборини таъминлайди. Дарҳақиқат, оиланинг мустаҳкамлиги, давомийлиги ва тиниқ-мусаффолиги, намунавий ибрати учун ота-оналарнинг бир-бирларига, фарзандлари — ўғил-қизлар, неваралараларга муносабатлари, меҳр-оқибатларининг қай даражада бўлишлиги ва бу борада ибрат намунасини кўрсатишларига қанчалик боғлиқ бўлса, ака-укалар, опа-сингилларнинг ўзаро аҳил, самимий, бегараз муносабатларининг кўлами ва йўналишига ҳам боғлиқдир.

...Мен вақти-вақти билан республика бўйлаб қишлоқ-шаҳарларда фольклор-этнографик экспедицияларда илмий командировкаларда бўлганимда баъзи оилаларга ташриф буюриб, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни ҳам ўрганиб бораман. Бу ҳақдаги халқ ижоди намуналарини ёзиб оламан, ҳаётий фактларни тўплайман.

Даставвал, шуни ғурур ва ифтихор билан қайд этиш керакки, ахлоқ-одоб, ақл-идрок хазинабони бўлмиш халқимиз бисотида киши ҳавас қилса, ибрат олса арзийдиган, ҳатто келгуси авлодларга бебаҳо мерос сифатида қолдирса бўладиган ака-укачилик одобининг ҳайратомуз саҳифалари ниҳоятда кўп. Улар оилани мустаҳкамлаш, камол топтириш, ундаги энг яхши анъаналарни давом эттириш, янада бойитишда муҳим роль ўйнаши табиийдир.

Ҳаётда аканинг укага, уканинг акага меҳр-оқибати, садоқати, ҳурматиззати нақадар чуқур, юксак ва самимий бўлганини кўрсатувчи ҳаётий воқеалар жуда кўп. Улардан баъзи бирларига мурожаат қилайлик.

...Сурхондарё область Жарқўрғон районида бўлганимизда Ж. А. исмли ака-укалар ўртасида бўлиб ўтган бир фожиали воқеа ҳақида сўзлаб беришди. Нима бўлади-ю, ука аканинг хотини— келинойисини тасодифан отиб қўяди. Она шу заҳотиёқ оламдан кўз юмади. Оғир фожиа юз беради. Аммо, ака, бу воқеа тасодифан юз берганини, укасининг келинойисида ҳеч қандай қасди ёки кеки йўқлигини, аксинча уни ўз онасидай кўриб, чуқур ҳурмат қилишини қанчалик уқтирмасин, қонун қонунлигини қилади. Ука уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Ака бошқа укалари (улар беш ўғил, уч қиз) қатори бу укасининг ҳолидан доимо хабар олиб туради, ҳар кўрганда оиласи олдида ҳеч қандай гуноҳкор эмаслигини қайта-қайта айтади, унинг кўнглини кўтаради. Айбсиз-айбдор укасининг озодликка чиқиши учун жон олиб, жон бериб ҳаракат қилади. Ва ниҳоят, ука қамоқдан бўшатилади...

Бу воқеанинг бизни ҳайратга солган томони шу бўлдики, шу кунга қадар (воқеа бўлиб ўтганига анчамунча йиллар кечган) ака, тўрт боласини етим қолдирган, севиб уйланган хотини — ёрдан бевақт жудо қилган (тасодифан бўлса-да) укасига тик қараб: «Сен шундай қилдинг-а?» деб таъна қилмаган, аксинча аввалгидай ака-укалик меҳр-оқибатини сақлаб қолган, ўз қаноти остига олиб унга оталик қилади. Бу, ахир ҳақиқий аканинг укага бўлган самимий, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган меҳр-оқибатининг юксак кўриниши эмасми? Ўзингизни бир зум ана шу ака-укалар ўрнига қўйиб кўринг-а? Бундай ака-укалар олдида ҳамиша таъзимда бўлгинг, уларни кўкларга кўтариб мадҳ этгинг келади.

Камина ҳам акалик меҳри-ю, оғалик оқибатидан баҳраманд бўлиб вояга етганлардан. Акамиз Ваҳобжон Муродов бизга нафақат ака, балки ҳам ота, ҳам мураббий-устоз эдилар. Асл касб-корлари ветеринар-врач бўлишига қарамай, адабиёт, санъатнинг ўта шайдоси, рассомлик, рационализаторлик, география, фольклор, этнографиядан яхшигина хабардор, сайёҳ ва топограф, шоир ва ёзувчи бўлмиш (Ваҳобжон Муродовнинг «Шерлар билан юзма-юз», «Саванна ҳикоялари», «Каркидонлар изидан» каби китоблари, юзлаб шеър. мақола ва очерклари босилиб чиққан) бу киши ўз укалари бўлмиш бизга ҳам ўша меҳрибон, ғамхўр бўлиб, ҳаммамизни ўқитдилар ва тарбияладилар.

— Дунё устуни, ҳаёт таянчи бўлмиш инсонлар ўртасидаги энг олий кишини, ҳаяжонга солувчи ҳис-туйғулардан бири аканинг — укага, уканинг — акага меҳр-муҳаббати ва садоқатидир, десам хато қилмаган бўламан. Аканинг укага, уканинг акага муносабати чин инсоний муносабатлар, адолат асосига қурилар экан — бу энг олижаноб ишдир, ҳар қандай оила сулоласининг мустаҳкам, бузилмас пойдеворидир. Ахир уканинг қувончларидан қувонмаган, муваффақиятларидан фахрланмаган, маънавий пок, ақлли, жисман бақувват, кўркам бўлиб ўсаётган ўз инисини кўриб суюнмаган, роҳатланмаган ака—акамиз! Ёки аксинча, укасини деб ўзини ўтга-чўққа урган, ўзи ўқимай уни ўқитган, ўзи киймай инисини кийдирган, акасини билмаган, қадрига етмаган ука—укамиз? Ҳаётимизда бунга ўхшаш ака-укаларга дуч келишдан ўзи сақласин, — дердилар у киши.

Ҳаққоний, дил-дилдан чиққан гаплар!

Ҳа, ҳаётимизда ака-укачилик адабини ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам пок сақлаб, унга заррача бўлса-да, доғ туширмаётган, ўзаро муносабат, оқибат ва ахиллиқда намуна, ибрат бўлаётган ака-укалар сон-саноқсиз. Уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат-эътибори, садоқати, қадрияти оқибатида самимий, бегараз муносабатларни кўриб, шундай кишилар орасида яшаётганлигингидан, бир ҳаводан нафас олаётганлигингдан, бир ариқдан сув ичаётганлигингдан шукроналар айтасан. Бундай оқибатли ака-укалардан қишлоқ ҳамда шаҳарлар мисолида жуда кўп фактлар келтириш мумкин. Мана бу фактларга, ака-укалик одобининг киши қалбини ларзага келтирувчи томонлари, қирраларига эътибор беринг-а.

...Бетоб укаси устида ишдан кейин ҳафталаб мижжа қоқмай, унга термулиб ўлтирган акалар бор.

...Акасини деб, иккиланмай ҳаётини қурбон қилган — укалар, укаси учун жонини тиккан акалар кўп.

...Ўзи лой томда ўлтириб, укасини шифрли уйга кўйган, ўзи қаттиқ ерда ётиб, укасини юмшоқ жойга ётқизган акалар учрайди.

...Юмшоғини акасига едириб ўзи қаттиғини еган, гўштини акасига бериб, сувини ўзи ичган, аччиғини ўзи еб, ширинини акасига илинган ёхуд ўзи совуқда қотса ҳам акасини совуқ олишдан сақлаб қолган, укаларни кўп кўрган бу кекса дунё!

Яна нақл. Бир золим, қонхўр, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган подшо бир мамлакатга бостириб кириб, қирғинчарчиликни бошлаб юборибди. Кўринганни ўлдириб, қишлоқ-овуллларга ўт қўяверибди. Бир пайт қўшин саркардаси бири ука, бири ака бўлган икки кишини ушлаб келибдида кўзлари қонга тўлган подшога рўбарў қилибди-да: «Мана булар ака-укалар экан. Бировнни ўлдирай десам, бошқаси олдин мени ўлдир, мен акамнинг ўлганини кўрмайин, деб ялинади. Кичигини ўлдирай десам акаси, аввал мени ўлдир, мен укамнинг ўлганини кўрмайин, деб бошини тутади, унисини чопмоқчи бўлсам буниси бошини тутади», дебди. Бу воқеадан таъсирланган золим шоҳ урушни тўхтатиб, ака-укаларни банддан бўшатиб бирини шоҳ, бирини вазир этиб тайинлаб, келган юртига жўнаб кетибди.

Булар афсона ва майда-чуйда гапсўзлар, воқеа-ҳодисалардай туюлсада, аслида ака-укачилик адабининг заррин саҳифалари, ибратли кўринишларидандир.

Аммо халқ донолигида айтилганидек, «айтсам тилим, айтмасам дилим қуйдиган фактлар, муносабатлар, доғлар, инсон зотига номуносиб воқеа-ҳодисалар туғишган ака-укалар орасида ҳам учраб туради. Баъзи ака-укаларнинг ўзаро муносабати чилланинг совуғидан ҳам баттар эканлигини кўриб, булар битта ота-онанинг фарзандларими-йўқми, бир қориндан талашиб тушганми-йўқми, билолмай доғда қоласан, киши. Баъзи ака-укалар бир-бирлари билан ёмон муносабатда бўлиш у ёқда турсин, ашаддий қотилларга айланиб қолганлигига нима дейсиз?! Наҳотки, бундайлар ҳаётдаги олий зот —инсон зотидан бўлса-я, деб ўйланиб қоласан.

...Ака-ука, атиги бир-бир ярим метр ерни талашиб, бир-бирларини чаваклаб ташлабди, деган хабарни эшитиб киши даҳшатга тушмайдими?

...Бир туғишган бўлатуриб ота-оналаридан қолган арзимас меросни талашиб, ака укасини болта билан чопиб қўйибди — сўзини айтишганда, қани айтинг-чи, қандай аҳволга тушардингиз?!

...Фалончининг арзандалари ичиб олиб бир-бирларини сўйиб қўйишибди! — Ахир бу гапни айтишга тил қандай айланаркин?!

...Бир ота-онанинг фарзанди бўлатуриб, акаси укасини туҳмат билан қаматиб қўйибди!..

...Фалончининг кичик ўғли акасининг уйига тунда ўғирликка тушиб, тутилиб қолибди!..

...Фалончи ака-укалар пулларини бўлишолмай, бир-бирларини роса дўппослашибди, укаси жон бериш ҳолатида ётган эмиш.

...Фалончининг ўғиллари бир-бирлари билан гаплашишмасмиш, юз кўрмас бўлиб кетишибди.

Булар шунчаки ваҳимали гап-сўзлар эмас, ҳаётда бўлган, бўлиб турган воқеалардир. Афсус, минг-минг афсуслар бўлсинки, халқимизнинг ака-укалик удумига доғ туширувчи, уни оёқ ости қилувчи, шундай қилиш билан бутун бир миллатга иснод келтирувчи ҳолларни кўриб, эшитиб довдираб қоласан, киши. Наҳотки, ука туғишган акасига қўл кўтарса?! Акага қўл кўтариш отага қўл кўтаришдай гап эканлигини унутса? Наҳотки ака ўз укасини арзир-арзимас гап-сўз ёки нарса — буюмга сўйиб ташласа. Ахир бундай ҳол ҳайвон зотида ҳам кўрилмаган ҳодиса-ку?!

Наманган область, Чортоқ районида яшовчи бир ака-укани биламан. Кўринишдан улар жуда аҳил, бир-бирига меҳрибон, ғамхўр, фидойидек. Аммо, ларнинг яшаш тарзи «Сендан мен ўтаман» қабилида қурилган. Мана бир мисол. Ака товуқ сотиб олса, ука эчки сотиб оларкан, ука қўй харид қилса, ака сигир оларкан. Бирови велосипедга эга бўлса, бошқаси «Мен сендан қоламанми» деб мотоцикл сотиб оларкан. Ука томини шифрлабди, ака бор-йўғини пуллаб томини тунукалабди...

Ана сизга бир қориндан талашиб тушган, бир ота-онанинг фарзандлари ўртасидаги муносабат!... Бу «Сендан қолсам қулоғимни кесай» қабилида иш тутишдир.

Дарҳақиқат, баъзибир оға-иниларнинг бир-бирларига муносабатларини кўриб, кишилар оғзидан эшитиб, яна ҳам ер кўтариб турибди-да, деб ўйлайсан. Ваҳоланки, ака вақти келганда ота ўрнини босади... Халқда «Ака ярим пир» деган гап бор. Яна доно халқимиз донишмандлигида: «Аканг—отанг, опанг—онанг», — деган ҳикмат учрайди.

Дарҳақиқат, яхши, одобли ака—ука учун ҳам оға, ҳам ини, ҳам ота. Ука ҳам борди-ю у одобли, юксак ахлоқли, маданиятли бўлса, ака учун суянчиқ, муносиб биродар, ўртоқ, ини... Ҳар иккови аҳил, иноқ, сирдош бўлсагина одоб-ахлоқда ҳам ибратли бўла олади... Аканинг ютуғини ука кўролмаса, уканинг муваффақиятидан аканинг ичи куйса, бир-бирини кўрганда хурсанд бўлиш, шодланиш, қадди-қомати, юриш-туриши, кийиниш-нетишдан қувонмай, кўзи-кўзига тушган заҳоти ғижинса, бир-бирини еб қўйгудек ҳолатга тушса, ака-укани, ука-акани кўринганга ёмонлаб юрса, устидан юмалоқ хатлар битса, бир-бирининг ишхонасига бориб севган ишидан бўшаттириб юборса, бир умрига бир-бирига бўҳтон, надомат, таъна тошларини отса, ака-укамиз демасдан бири-бирига қўл кўтарса, пичоқ санчса, болта урса, ҳасад қилса, камситса, кесатса, кўра олмаса, қани айтинг-чи, бу қайси бир қуюшқонга сиғади, ахир?! Ахир ота-она «Фарзандларим шундай бўлсин, катта бўлишгач, бири-бирига суянчиқ бўлмай, бир-бири билан ит-мушук бўлсин, бири-иккинчисини юзига лой чапласин, қора суртсин, бири иккинчисини бўридай ғажисин, қутурган итдай қопсин» деган умидда катта қилиб, вояга етказганми, ўзи емай уларга едириб, ўзи киймай уларга кийдирганмиди? Ахир, мунис она, шу ака-укаларни деб сочини супурги, қўлини косов қилмаганмиди? Ота, кексайганимда ака-ука иноқ, аҳил бўлиб, бир ота-онанинг фарзанди эканликларини амалда исботлаб, эл-юртга хизмат қилиб, фалончининг ўғиллари деган номни олишади деб, кунни тунга, тунни кунга улаб тер тўкмаганмиди?!

Наҳотки, одоб-ахлоқда хулқ-атворда, ака-укачилик одоби баъзи ҳолларда шу даражага тушиб қолган бўлса? Бунга ким айбдор?

Назаримизда, биз кўпинча ота-боболаримиз томонидан юзага келтирилган, асру-асрлар давомида синовлардан, тажрибалардан муваффақиятли ўтиб келган, ўтга ташлансада — ёнмаган, сувга чўктирилса — чўкмаган, ерга кўмилганда—кўмилмаган яхши, ибратомуз анъаналаримиз, удумларимизга нописандлик билан қарадик, кўпинча уларни камситдик. Ака-укачилик одоби, удуми ҳам шулар жумласидандир. Биз ана шу яхши удумни, бошқаларини ҳам унутиб қўя бошладик. Иккинчидан, ака-укаларимиз ўртасидаги одоб, иффат, ҳурмат-садоқат пардаларининг кўтарилишига ота-оналар масъулияти, коллектив тарбия, кўни-қўшничилик анъаналарининг камситилиши, улар ролига етарлича аҳамият берилмаслик ҳам сабаблардан бўлди, дейиш мумкин.

Ахир, «Ота—ақл, Она—идрок», демак ака-укаларнинг ёшлик-гўдаклик чоғлариданоқ уларга ота—ақл, она—идрок бўлишлари ака-укачилик одобини қулоқларига қуйишлари лозимку? Сўнгра «Қўшни етти маҳалла боласига ота-оналик қилади» деган гап бор. Ёки «Етти маҳалла — ота-онанг», ибораси учрайди. Демак ака-укалар ўртасидаги одобнинг юксак бўлишида, муносабатларнинг тиниқ, мустаҳкам, самимий бўлишида маҳалла-қўйнинг роли ҳам, турткиси, ўз вақтида йўл-йўриқ кўрсатишининг ҳам ҳал қилувчи ўрни бор. Ака-укалар ўртасидаги муносабат манфаатлар бирлиги, ўзаро тенглик, ошкоралик, самимият, бегаразлик, аҳиллик, дўст-биродарлик асосида қурилгандагина мустаҳкам, бузилмас кучга айланади.

Азизлар, келинглар, оға-иничилик, ака-укачилик, опа-сингиллилик одобига, удумига, анъанасига путур етказмайлик. Уларга асло дарз кетмасин!

Малик МУРОДОВ,
профессор.

Михаил ВЕРБОВ:

«Мен рус рассомиман»

«Ватан» жамиятининг таклифига мувофиқ Нью-Йоркдан СССРга келган 92 яшар рус рассоми Михаил Вербов учун Тошкент аҳли билан дийдорлашув жуда ҳаяжонли бўлди. Бутун жаҳонга машҳур портретчи мусаввир, Илья Репин шогирдининг болалиги Тошкентда ўтган. Унинг синглиси Валентина Александровна шу ерда яшайди, тақдир тақозоси билан рассом ярим аср ўз жигаргўшаси билан кўришмади ва, мана ниҳоят, ака-сингил учрашдилар. Ҳозир Америка рассомлар уюшмасининг фахрий президенти бўлган В. Вербов ўз ижодий йўлини Тошкентда бошлаган эди. У бу ерда 1918 йилда санъат музейига асос солган ва уч йил шу музейга бошчилик қилган эди. Музейда йиғилган картиналар орасида Вербов чизган Ленин портрети ҳам бор.

— Ўзбекистонда миллий рассомларнинг бутун бир авлоди вояга етганини кўриб ҳурсанд бўлдим, — деди М. Вербов. —Мен музейга директор бўлган кезларимда ўзбек рассомлари ишлаган бирорта ҳам картина йўқ эди. Ҳозир эса Абдулҳақ Абдуллаев ва Баҳодир Жалолов мўйқаламига мансуб асарлар мени ҳайратда қолдирди. Булар ҳақиқатан ҳам чинакам санъаткорлардир, улар билан танишганимдан хурсандман. Чет эллардаги ҳамюртлар билан маданий алоқа «Ватан» Ўзбекистон жамиятида мени жуда хушнудлик билан кутиб олганликларидан ғоят миннатдорман.

Михаил Вербов 1924 йилда Россияни тарк этган эди. У шу орада беш марта СССРга келиб кетди. Илгаригилари сингари бу галги учрашув ҳам орзиқиб кутилган, ҳаяжонли ва қувончли бўлди. Шу ерда у рассом бўлиб етишган эди. Ватандан йироқда яшаш ва ижод қилиш учун ана шу замин куч-қувват бериб турди. М. Вербов биз учун тарих бўлиб қолган кўпгина воқеаларни, ўзи учрашган кишиларни яхши эслайди. У Ленин ҳаётлигида, унга қараб туриб доҳийнинг портретини чизган қалдирғоч рассомлардан биридир. Шу учрашув тафсилотлари ҳам унинг хотирасида умрбод қолган. Ўшанда В. И. Ленин советлар уйида Коминтерн съездида нутқ сўзлаган эди. Омади бор экан, у доҳийга қараб туриб, портретнинг хомаки нусхасини чизди. М. Вербовга ўша даврдаги машҳур қишилар — Дзержинский, Луначарский, Станиславский ва кўпгина бошқа арбобларнинг портретларини чизиш насиб этди. Бу портретлар мамлакатдаги кўпгина музейларда сақланмоқда.

Рус рассоми Вербовнинг расмлари жаҳондаги кўпгина мамлакатлар музейлари ва миллий галереяларини безатиб турибди. Унинг исми шарифи Веласкес, Гойя номлари билан бир қаторда санъаткор маҳорати тан олинганлигининг белгиси сифатида Мадриддаги Прадо бадиий музейига ўйиб ёзилган.

Рус рассомига Индира Гандининг, Руминия, Швеция, Испания қироллари-нинг, Югославия қироличаси Александранинг ва бошқа давлат арбобларининг портретларини чизиш учун буюртмалар беришган эди. У Францияда Бунин, Шаляпин, Троцкий, Керенский суратларини чизган. У ҳамиша одамга қараб туриб чизиш услубига содиқ бўлган, фақат шундагина инсондаги барча фазилатларни тасвирда рўёбга чиқариш мумкин, деб уқтириб келган.

Еқимтой, куч-ғайратга тўлиб турган санъаткор янги режалари, ўй-мулоҳазалар ҳақида сўзлади, у ўзининг ҳазил-мутойибалари билан атрофдагиларни ром этди. Рассом рус тилида қойилмақом қилиб гапирмоқда. Ҳолбуки, ўзининг айтишича, рус муҳожирлари билан онда-сондагина мулоқотда бўлади. Унинг фикрича, она тилини унутиш мумкин эмас. У муҳожирликни ҳам ўзига хос бир тарзда ифодалаб берди: талаффузидан бошқа ҳамма нарсасидан маҳрум бўлган киши муҳожирдир.

Олга одим ташлаб боравериш, ўзига маъқул иш билан шуғулланиш ва келажакдан умидвор бўлиш — бу инсоннинг ҳаётий мақсадидир. Шу маслакка амал қилиб, рассом ҳаётда кўп ишларни қилди. Кўп йиллар мобайнида у Америка рассомлар уюшмасининг вице-президенти бўлди. Санъатдаги формализм билан курашди. Классик йўналишга мансуб рассомларни ҳимоя қилди. Вербов асли рус америкаликлар шоншуҳрат конгресси палатасининг аъзосидир. АҚШда фан ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ана шундай юксак номга сазовор бўлган руслар орасида Игорь Сикорский, Мстислав Ростропович, Владимир Зворикин ва бошқалар бор.

— Бу одамлар ўз ватанининг ҳам шоншуҳратини оширдилар, — деди ишонч билан Вербов, — чунки улар бошларига қандай савдолар тушмасин, ҳамиша рус миллатига мансуб бўлиб қолдилар.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

СУРАТЛАРДА: В. И. Ленин портретининг муаллиф нусхаси Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида намойиш этилаяпти. Михаил Александрович Москва халқаро кино марказининг ижодий группасига доҳий образи ўстида қандай ишлагани ҳақида ҳикоя қилаяпти. М. А. Вербов ҳақида Веслава Вербовска сценарийси асосида ҳужжатли кинолента суратга олиняпти; тошкентлик рассомлар ҳузурида меҳмонда (чапдан ўнгга) — Михаил Александрович Вербов, мусаввир Тоҳиржон Миржалилов ва Ўзбекистон ССР Рассомлар уюшмасининг раиси Баҳодир Жалолов.

Р. Шагаев суратлари. (ЎзТАГ).

Санъатсевар ёшлар

46-ҳунар-техника билим юрти 1981 йилда ташкил этилган бўлиб, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига малакали ишчилар тайёрлаб беради. Ҳозирги пайтда билим юртида 651 ўқувчи таълим олмоқда.

Ўқувчилар тикувчилиқ касбини эгаллаш билан бирга турли тўгаракларда қатнашадилар, бўш вақтларини мароқли ўтказадилар. Айниқса, II-курснинг 31, 33, 34, 35, 37-группа ўқувчилари билимда ҳам, дам олишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бу ерда турли қизиқарли кечалар, учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Ўқувчилардан бир группаси ҳарбий госпиталга бориб, бу ерда даволанаётган аскарлар билан учрашдилар.

— Ўқувчиларнинг ҳар томонлама билим олиши учун зарур шароитларни яратишга интиляпмиз, — дейди ҳунар-техника билим юрти директори М. А. Исматуллаева. — Айниқса, педагоглардан М. Солиҳова, Н. Антипова, В. Содиқова, Ф. Азимова ва бошқалар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Билим юртида ташкил этилган драма тўгарагига Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театри артисти Т. Бекназаров бошчилик қилмоқда. Тўгарак аъзолари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларига катта эътиборни қаратишган. Инқилоб қўйчисининг бир қанча асарлари жамланган адабий бадиий композицияни тўгарак бу йилги ўқув йилида ҳам намойиш этиш ниятида. Ундаги асосий ролларни ўқувчилардан Д. Раҳимова, Х. Аъзамхўжаева, Р. Худоёрова, Н. Маҳмудова, З. Умарова, М. Орипова, М. Шомирзаева ва бошқалар ижро этишади. Шуниси қизиқарлики, тўгаракнинг асосий қисмини ўқувчи-қизлар ташкил этади. Асарлардаги эркаклар образини ҳам қизлар маҳорат билан ижро этишмоқда.

У. МУҲАММАДИЕВ.

СУРАТДА: саҳнага чиқиш олдидан.

Ҳукм эълон қилинди

СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси раиси, СССР Олий судининг аъзоси С. Савкин, халқ маслаҳатчилари К. Амосов ва Л. Савельевдан иборат составда давлат айбловчиси — СССР прокуратурасининг прокурори В. Левицкий ва ҳимоячи — Москва шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Г. Резник иштирокида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ Раиси Н. Худойбердиевни айблашга оид жиноий ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. У 9 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Рашидов даврида республикада порахўрлик кенг ёйилган эди. Худойбердиев ҳам бу борада четда қолмаган эди. У дастлабки терговда ўз ҳатти-ҳаракатларининг сабабларини тушунтириб бундай деган эди: «Республиканинг ҳамма органларида порахўрлик авж олган эди. Порахўрлик системасини Рашидовнинг ўзи ташкил қилганди, шу сабабли мазкур жараёнга ҳеч ким халақит беролмасди. Бемалолроқ яшаш ва ишлаш учун юқори раҳбарларга пора беришга тўғри келар эди».

Н. Худойбердиевнинг ўзи ана шундай «раҳбарларга» мансуб эди. У 1943 йилда Ўзбекистоннинг Самарқанд область Фориш район комсомол комитетида инструктор бўлиб ишлай бошлади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқиди, аспирант бўлди. 1960 йилда Н. Худойбердиев республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари, сўнгра Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари бўлди. 1962 йилда у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи бюроси раиси, сўнгра республика қишлоқ хўжалиги министри бўлди. 1971 йилдан 1984 йилгача Худойбердиев Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси лавозимида ишлади.

У мансаб бўйлаб кўтарилар экан, қайси босқичда жиноят йўлига кирганини айтиб ҳозир қийин. Бироқ порахўрлик системаси узлуксиз ишлайверди ва, пировард натижада, собиқ «бош министр»ни қора курсига олиб келди. Эслатиб ўтайлик: республикада бўлиб ўтган жараёнлар тўғрисида СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси томонидан 1988 йил 30 декабрда ҳукм қилинган Ўзбекистон ички ишлар органларининг раҳбарлари ҳам худди шундай дейишган эди. Уша иш юзасидан ҳукм қилинганлар орасида СССР ички ишлар министрининг собиқ биринчи ўринбосари Ю. Чурбанов ҳам бор эди. Худойбердиев, ҳукмда айтилганидек, «мадад ва ҳомийлик олиш мақсадида» Ю. Чурбановга 50 минг сўм пора берган.

Шуни айтиш керакки, суд мажлиси вақтида Худойбердиев мана шунча пора берганнини, умуман ўзи ҳам пора олганлиги тўғрисидаги ҳамма фактларни тан олишдан бош тортди. Сирасини айтганда, вужудга келган вазиятда суд қийин ҳолатга тушиб қолди: деярли ҳамма — гувоҳлар ҳам, судланувчи ҳам дастлабки терговда айтган аввалги ўз гапларидан бош тортдилар. Улар тергов тазйиқи остида пора олдик ва бердик деб ган олган эдик, деб даъво қилдилар. Фақат Самарқанд район партия комитетининг собиқ биринчи секретари, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган А. Каримовгина Худойбердиевга пул берганига иқрор бўлди.

Ўз маълумотларидан воз кечганларнинг бу баёнотларини суд асоссиз деб топди. Жумладан, шунинг учун ҳамки, улар сўроқларда Т. Гдлян билан В. Ивановгагина эмас (гўё улар «зарур» маълумотларни беришга мажбур қилган эмишлар), бошқа тергов-чиларга ҳам иқрор бўлган эдилар.

«...Гдлян билан Иванов бизнинг маълумотларимизни ўзгартиришни тақиқлаб қўйган эдилар...» деган даъволар ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки кейин ҳам — Гдлян билан Иванов тергов группасига раҳбарлик қилишдан четлаштирилганидан сўнг ҳам жиноий фаолият тан олинган эди. Дастлабки тергов давомида берилган маълумотларни суд ҳақиқатга тўғри келади, деб топди, негаки, «...бу маълумотлар иш материаллари билан ва бошқа далил-исботлар билан объектив равишда тасдиқланади». Чурбановга пора бериш фактига келганда, ҳукмда «...иш юзасидан тўпланган далил-исботларни таҳлил этиб, судлов коллегияси Чурбанов билан Худойбердиев гўё бир-бирларига туҳмат қилганликлари ҳақида берган маълумотларини ҳақиқатга тўғри келмайди, деб ҳисоблайди. Чурбанов масъулиятдан қутулишга интилиб, ўзи берган маълумотларни ўзгартирди», деб қайд этилди.

Сохта гувоҳлик Д. Қурбонов билан М. Нишоновга қиммат-га тушди. Судлов коллегияси шундай ажрим чиқарди: гарчи улар сохта гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилган бўлсалар ҳам, суд мажлисида сохта маълумот бердилар. Шу сабабли мазкур факт юзасидан жиноий иш қўзғатиб, уни дастлабки тергов ўтказиш учун СССР прокуратурасига юборишга қарор қилинди.

Илгари Н. Худойбердиевга қўйилган айблардан баъзи эпизодларни суд чиқариб ташлади. Шу сабабли охирда у 15.700 сўм пора олишда ва 50 минг сўм пора беришда айбланди. Бу хатти-ҳаракат «...Масъул лавозимни эгаллаган мансабдор шахс томонидан бир неча бор қилинган жиноят» деб таърифланди. Жазони тайинлаш пайтида судлов коллегияси Худойбердиевнинг оғир жиноят қилганини эътиборга олди.

СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси Н. Худойбердиевни 9 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди, жазо муддати кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўтказилади, мол-мулки мусодара қилинади. Худойбердиев хизмат мавқеидан фойдаланиб пора олганлиги сабабли у ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини ижро этиш билан боғлиқ бўлган лавозимларни беш йил мобайнида эгаллаш имкониятидан маҳрум этилди.

Шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди. Аммо бир фактга тўхталмай ўтиб бўлмайди. Бутун суд мажлиси давомида залда ТАСС мухбирига ўзларини Гдлян-Иванов тергов группасини ҳимоя қилиш Москва мувофиқлаштирувчи комитетининг вакиллари деб таништирган кишилар ўтиришди. Бу терговчиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғри ёки нотўғри эканлигини ҳал қилиш журналистларнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам иши эмас. Бироқ уларнинг «ҳимоячилари» суд мажлисида ўзларини юмшоқ қилиб айтганда, одобсизларча тутиб жойлардан лукмалар ташлаб ва бақириб адвокатнинг нутқига халақит берганликларини билиш Т. Гдлян билан В. Ивановга ёқимли бўлармикан? Бу хатти-ҳаракатлар шу қадар хунук эдики, судья уларни залдан чиқариб юборишидан огоҳлантириб, тартибга чақиришга мажбур бўлди.

Н. ДЕМИДОВ,
ТАСС мухбири.
Москва.

52 СССР ЧЕМПИОНАТИ

Ҳамшаҳарларимизнинг эртанги рақиби серқуёш Кутаисининг «Торпедо» командасидир. Коллектив бу йил ўзининг 30 йиллик юбилейини нишонлади.

«Торпедо» 1959 йили Серго Оржоникидзе номидаги «Колхида» автомобиль заводи оталиғида ташкил этилган бўлиб, дастлабки дамларданоқ «Б» классида «Динамо» ва «Локомотив» (Кутаиси) клублари ўрнида қатнашди. Қизиғи шундаки, команда янги бўлишига қарамай, барқарор ва сермаҳсул ўйин кўрсата бошлади. 1960 ва 1961 йилги мамлакат биринчиликларида кутаисилик спортчилар ўз зоналарида ўтказиган мусобақаларда биринчи ўринни эгаллашди. Улар уч йил ичида олий лигага йўлланма олиб, ҳатто совет футболида ўзига хос рекорд ҳам ўрнатдилар.

Торпедочилар тарихидаги «олтин давр»лар 1962-70 йилларга тўғри келади. Худди ўша кезлари олий лигада узлуксиз тўп сурган кутаисилик футболчилар юксак техникага асосланган жўшқин ўйиндан иборат ўз услубларини юзага келтириб, Иттифоқимиздаги кўплаб ишқибозлар ҳурмат-эътиборини қозонишди. Команданинг моҳир ўйинчилари — дарвозабон Рамаз Урушадзе ва ярим ҳимоячи Сергей Кутивадзелар мамлакатимиз терма командаси сафида иштирок этиш шарафига муяссар бўлганлар. Г. Цховребов, Д. Векуа, Д. Хажалия, Д. Херхадзе, З. Эбралидзе, М. Шергелашвили, Ю. Лосаберидзелар эса маҳорат кўрсатиб, грузия футболида ёрқин из қолдиришган. Бундан ташқари, Кутаиси футболи республиканинг етакчи командаси — «Динамо» /Тбилиси/га Р. Дзодзуашвили, ака-ука Нодиялар ва Мачаидзелар, Р. Шенгелия каби футбол усталарини етиштириб берди. 1969 йилги мавсумда кутаисилик Д. Херхадзе Н. Осянин ва В. Проскуринлар билан бир қаторда 16 тўп киритиб, олий лиганинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлган эди. Тўғри, «Торпедо» 1982—83 ва 1985—86 йилларда ҳам олий лига турнирларида иштирок этган. Афсуски, бу мавсумларда улар лигада мустаҳкам ўрнашиб қололмадилар.

Кутаисилик чарм тўп усталари олий лигадаги энг йирик ғалабани 1965 йили «Пахтакор» устидан, 4:0 ҳисобида қозонишган. 1962 йили эса улар «Адолатли ўйин учун» совринининг соҳиби бўладилар. Умуман, меҳмонларимиз олий лигада ҳаммаси бўлиб 438 ўйин ўтказишган. Шундан 103 ғалаба, 129 дуранг ва 206 тасида мағлубият қайд этилган. Тўплар нисбати эса: 391—653. «Торпедо» ва «Пахтакор» олий лигада 20 маротаба куч синашган: 6 ғалаба, 9 дуранг ва 5 мағлубият билан ҳамюртларимиз олдинда.

Энди команданинг 1-лигадаги фаолиятига бир оз тўхталсак. Кутаисилик футболчилар бу йилги турнирда 14-мавсумни ўтказмоқдалар. Ҳозиргача 555 ўйинда 227 ғалаба, 132 дуранг ва 196 мағлубият қайд этилган. Тўплар нисбати: 669—613. «Пахтакор» билан 9 учрашув ўтказилган. 3 ғалаба, 4 дуранг ва 2 мағлубият билан умумий ҳисобда, пахтакорчилар олдинда. Тўплар нисбати 7—7.

Мавсумни собиқ ўйинчилар, спорт мастерлари Р. Дзодзуашвили, Р. Буркадзе ва Д. Херхадзелар раҳбарлигида бошлаган «Торпедо» состави асосан ёш ва умидли футболчилардан иборатдир.

«Пахтакор»нинг рақиблари

«ТОРПЕДО» (КУТАИСИ)

Ким ғолиб чиқаркин. Р. Шарипов сурати.

Чарм тўп атрофида

ФУТБОЛ ҚИРОЛИ ТАШВИШДА

● Яқинда бразилиялик машҳур футболчи Пеле мухбирлар билан суҳбатда, футбол маълум даражада инқирозга юз тутаётганидан ташвишда эканлигини баён қилди. Шу аснода ўзининг баъзи бир фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Авваламбор, майдоннинг ён томонига чиқиб кетган тўпларни оёқ билан ўйинга киритишга рухсат бериш керак. Дарвозадан 25 метргача бўлган масофадаги барча жарима тўпларни тепганда «жонли девор» бўлмаслиги лозим. Қоидани бузган ўйинчиларни хоккейдаги каби маълум бир вақтгача майдондан ташқарига чиқариб юборилса. Футболда ҳам бошқа спорт турларига ўхшаш қоидаларни вақти-вақти билан ислоҳ қилиб туриш зарур. Акс ҳолда қизиқувчилар тобора камайиб кетмоқда.

Деярли 65 йилдан бери футбол қоидаларига бирорта ўзгариш киритилмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Пеленинг бу таклифлари ҳам шундайлигича қолиб кетади, деб дадил айтишимиз мумкин.

АНТИҚА ГОЛ

● Майнц шаҳрида ГФР биринчилигининг II-лига командалари ўртасида ўтказилган ўйинда жуда ғаройиб воқеа рўй берди. Маҳаллий команда ўйинчиси 1-тайм охирларида кучли жароҳатланиб, майдонни тарк этишга мажбур бўлади. Аммо танаффусдан сўнг у ҳеч нарса кўрмагандай, яхшигина ўйин кўрсатади. Ҳамма гап шундаки, у ҳал қилувчи тўпни киритишга эришганди. Дарҳол рақиб футболчилари орасидан тўп жароҳатланган чап оёқ билан бемалол киритилганлиги, ваҳоланки 1-бўлимда ўйинчи жароҳат олганини кузатганлар чиқиб қолди. Текширувдан сўнг маълум бўлишича, майдонга 2-таймда футболчининг эгизак укаси тушган экан.

Д. ИСРОИЛОВ тайёрлаган.

Эҳ, «Пахтакор», «Пахтакор»...

(ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ ХАТЛАРИНИ ЎҚИБ)

«Мен «Пахтакор»нинг ҳар бир ўйинини диққат билан кузатиб бораман. Севимли командамизда бир хиллиликнинг йўқлиги кўпинча панд бераяпти.Баъзи учрашувлар кўнгилдагидек ўтади, бошқаларида эса маҳорат етишмайди. Ўйинчилар чакки эмас. Энг муҳими, уларда ўз кучига ишонч ва дадиллик керак. Ҳадеб бош тренерларни алмаштираверсак ана шу жиҳатларга эътиборни кучайтириш зарур, деб ўйлайман. . .»

Бу сатрлар пойтахтдаги 1-ремонт қурилиш бошқармасининг ишчиси А. Маннопхўжаевнинг мактубидан олинди. Редакциямиз почтасида мухлислардан келаётган хатлар талайгина.

«Мавсум бошида бош тренер ўзгартирилганда жуда ранжиган эдик, — дейилади Қашқадарё область Китоб районида яшовчи Ж. Элназаров йўллаган мактубда — Бўлмаса Б. Абдураимов «Пахтакор»нинг аввалги шуҳратини тиклаш учун анча ҳаракат қилди. Ўйинчилар Денисов, Билолов ва Синелобовлардан олинган интервьюлар ҳам буни кўрсатиб турибди. Яна бир масала. Бош тренер Носовнинг ҳеч қандай сабабсиз кетиб қолганини қандай тушуниш мумкин. Бу четдан раҳбар тайинланишнинг хунук оқибати эмасми?»

Ҳақиқатан ҳам, турнирнинг энг қизғин палласида команданинг бош тренерсиз қолиши жуда қимматга тушди. Ишқибозларда энди умид учқунлари алангаланаётган эди. Афсуски, «Нистру» ва «Таврия» учрашувларидаги мағлубиятлар яна ҳафсалани пир қилди. Ҳеч бўлмаса қўшнимиз — «Қайрат» футболчиларидан ўрнак олсак арзимайдими? Бундай аҳволда «Пахтакор» қачон ўнгланади? Тошкент шаҳри, «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивида яшовчи М. Абдуллаев, Ҳамза районидаги Ховос кўчасидан А. Содиқхўжаев. Тошкент районидаги Навоий номли колхоздан А. Тўрақуловлар Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт Давлат комитети ҳамда командамиз раҳбарларига шундай ҳақли эътирозларни билдиришган.

Бошқа конвертларни очамиз.

«Катта ўғлим Хабаровскдаги олий ўқув юртида таҳсил олаяпти. У тузган футбол команда 32 коллектив ўртасида 1-ўринни олибди. Кичик ўғлим ҳозир армия хизматида. У ҳам футбол ўйнаяпти. Республикамизда қанчадан-қанча иқтидорли футболчилар бўлатуриб «Пахтакор» олий лигага чиқолмаётгани жуда ачинарлидир». Сирдарё область, Боёвут, районидаги «Ленинизм» колхозидан Ж. Қаршибоев.

«Командага раҳбарни шундай танлаш керакки, у жонини фидо қилсин. Б. Абдураимов келиши билан «Пахтакор» ўз ўйини, ўз услубини яна топган эди.»

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов районидаги ишқибозлар номидан Р. Баҳодиров.

«Эҳ, «Пахтакор», «Пахтакор!» Ютган пайтингда қувониб, мағлубиятга учрасанг қанчалик изтироб чекишимизни билсанг эди. Сени ҳам олий лигада кўрармиканмиз. . .» — О. Маҳмаюсупов. Тошкент шаҳри, Ломоносов кўчасида яшовчи.

Мавсум ниҳоясига етай деб қолди. Ўйлаймизки, футболчиларимиз ҳали чиройли ўйинлар кўрсатиб, бизни хушнуд этадилар.

С. ШОДИЕВ.

Иккинчи давра ўйинлари

Пойтахтдаги спорт клублари ўртасида шаҳар биринчилиги учун ўтказилаётган футбол мусобақасининг иккинчи давра ўйинларига старт берилди. Мусобақада олдинги турларнинг ғолиблари—ҳар бир клубдан 7 тадан команда иштирок этмоқда.

Катта ёшдаги футболчилар дастлабки тур ўйинларини ўтказдилар. Қизиқарли беллашувларда 1 ва 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Г. Титов номидаги республика спорт мактаби, авиасозлар спорт клуби, 153-қурилиш трести командаларига омад кулиб боқди.

Олдинда ҳал қилувчи ўйинлар турибди.

О. ЮСУПОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ СИЗЛАР УЧУН!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

3 ОЙЛИК ВА 6 ОЙЛИК ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРГА

Қабул эълон қилади

ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР САҲНА НУТҚИ ВА ҲАРАКАТИ, КЛУБ СЦЕНАРИЙСИ ВА РЕЖИССУРАСИ, АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ ВА РЕЖИССУРА (масал, ҳикоя, шеър, рақс, қўшиқ, этюд, монолог, драматик асар таҳлили ва театршуносликдан асослари) СССР ТАРИХИ, ИНШО ЁЗИШ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАШҒУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНАДИ.

Практик машғулотлар катта саҳналарда ва Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларида қатнашган ҳолда олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАРНИ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ЕТАКЧИ РЕЖИССЁРЛАРИ ОЛИБ БОРАДИЛАР.

Олти ойлик курсни тамомлаганларга имтиҳонлар асосида гувоҳнома берилади.

МАШҒУЛОТЛАР КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРДА 11 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қабул ҳар куни соат 17 дан 21.00 гача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар маданият саройи, 2-қават, 90-хона, метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон — 96-55-81.

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

8, 9, 10 сентябрда

В. Н. СИВЕЦ НОМИДАГИ АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИДА

12, 13, 14, 15 сентябрда

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ПСИХОЛОГИК ТАЖРИБАЛАР

(гипноз)

Сеансларни профессор, психология фанлари доктори С. Г. Гутман ўтказади.

Психологик тажрибаларда томошабинлар фаол қатнашиб ўз ижодий қобилиятларини намоён этадилар, кайфиятлари, руҳий ҳолатларини яхшилайдилар, ўз-ўзларига таъсир кўрсатиш системаларини ўзлаштирадилар, зарарли одатлар ва кўникмалардан халос бўладилар.

Сеанслар соат 19.30 да бошланади.

Касса лар «БИЛИМЛАР УЙИ»да — соат 11.00 дан бошлаб очиқ. Справкалар учун телефонлар — 56-48-96, 56-87-67;

В. Н. СИВЕЦ НОМИДАГИ АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИДА — соат 15.00 дан бошлаб очиқ.

Справкалар учун телефонлар — 96-78-01, 96-77-92.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ

«ХУМОР» ЧОЙХОНАСИДА

9 СЕНТЯБРЬ СОАТ 17.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

«СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ» ЖУРНАЛИ ИЖОДИЙ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛАДИ

СУҲБАТДА:

Пенсия ва нафақа борасидаги янгиликлар.
Савол-жавоблар.
Журналнинг режалари ҳақида фикр юритилади.
1990 йил учун журналга обуна қабул қилинади.

СОАТ 12.00 ДАН БОШЛАБ ҳилма хил кўнгил очар ўйинлар, қайиқ станцияси, болалар темир йўли, «СЕРПАНТИН» — эртаклар шаҳарчаси, ёшлар ва музқаймоқ кафелари сизларнинг хизматингизда.

«ТУЁНА», «ҚИЗИЛ ЧИННИГУЛ», «УМИД» ансамблари ўз программалари билан кайфиятингизни хушнуд қиладилар.

БОҒИМИЗГА МАРҲАБО, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

8 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

Тошкентда биринчи марта

«МУШУК УЙИ»
ВА
«ДОКТОР АЙБОЛИТ»

ҒАРОЙИБ ТОМОШАЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ ҚАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА.

ҚАТНАШАДИЛАР:

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Александр ПОПОВ ва масхарабозлар: Удмурдистон АССРда хизмат кўрсатган артистлар Иван ТРЯПИЦИН ва Василий ОРЛОВ.

Справкалар учун телефонлар — 44-35-91, 44-35-84.

Касса дам олиш кунисиз — соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

ОЛДИНДАН БИЛЕТЛАР СОТИШ КАССАСИ ИШЛАЙДИ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг аризаларига биринчи навбатда хизмат кўрсатилади.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

5-«КИТОБ АЛМАШУВ» МАГАЗИНИ

навбатдаги антиквар-букинистик китоблар аукциони (ким ошди савдоси)га

КИТОБ НАШРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛА БОШЛАДИ

Ким ошди савдосига фалсафа, тарих, дин ва оккутизм, XX аср бошларидаги шеъриятга оид нашрлар, шунингдек катта эҳтиёж сезилган ва 1989 йилда чоп этилган бадиий адабиётлар қабул қилинади.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» проспекти, 8-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

Справкалар учун телефон — 45-22-35.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

Реклама ва эълонлар

ШОЙИ КАМАЛАК

«ХОНАТЛАС»—«ШОҲОНА ГАЗЛАМА»... Чиндан ҳам исми жисмига монанд газлама. Унинг гуллари шу қадар бой, шу қадар жозибалики, хотинқизларимиз ана шу газламадан бирор либос тиктиришни орзу қилишади. Унинг ўзига хос гуллари мода шинавандаларига либоснинг бичими мураккаб бўлмаслиги лозимлигини маслаҳат бериб туради. Либос нақадар одми бичилса, шунчалик чиройли кўринади. Ҳозирги замон модаси бичимнинг содда, либоснинг тўкис бўлишини тақозо этади.

Хонатласдан кунда кийиладиган кўйлак ҳам, тантанали маросимларда кийиладиган либос ҳам, бир неча кийимдан иборат замонавий ансамбль ҳам тикиш мумкин.

«Таштекстильшвейторг» магазинлари гуллари турлича хонатласларни шунингдек сунъий шойи газламаларни таклиф қилади.

Магазинларнинг адреси:

10-магазин — Олой бозори;

34-«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» магазини — Муқимий кўчаси, 1;

12-«ФАРҲОД ВА ШИРИН» магазини —М. Горький проспекти, 54-уй;

6-магазин — Марказ-14, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 25-уй;

19-магазин — Октябрь бозори;

54-магазин — Луначарский маркази;

2-магазин — Ш. Руставели кўчаси, 57.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ТОСКОМТРУД ЎзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШГОРСТРОЙ» территориал-қурилиш бирлашмаси

2-«ОТДЕЛСТРОЙ» ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА:

дурадгорлар, бўёқчилар, суводчилар, кошинкор-плиталчилар, кошинкор-мозаикачилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

«СРЕДАЗДОРСТРОЙ» трестининг

851-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

йўл ишчиларн, автогрейдер машинистлари, бульдозер машинистлари, пневматик ҳаракатга келувчи кран машинистлари, кассир.

ТОШКЕНТ АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИГА:

чархловчилар, силлиқловчилар, термистлар, контактли пайванд пайвандчилари, асбобсоз-слесарлар, токарлар, электриклар, бош бухгалтер, инженер-конструкторлар, мастерлар, ётоқхона мудири, тарбиячи, фаррошлар.

ҲАМЗА ҒАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ МАКТАБ-ОШХОНАСИГА:

ошпазлар группасига ўқувчилар.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ИШЛАР БОШҚАРМАСИГА:

гидравлик усулда бошқариладиган экскаваторларнинг машинистлари, автомашиналар ва «ПАЗ» автобусининг ҳайдовчилари, қурилиш механизмлари ремонти бўйича слесарлар, токарь.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Космонавтлар проспекти, 6-уй ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район бўлимларига:

Акмал Икромов районн — Фарҳод кўчаси, 21-уй.
Киров районн — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Куйбишев районн — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Ленин районн — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь районн — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
С. Раҳимов районн — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели районн — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.
Фрунзе районн — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.
Ҳамза районн — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
Чилонзор районн — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/IX да **Раймонда** (19.00), 9/IX да **Севилья сартароши**, 10/IX да **Аловиддининг сеҳрли чироғи** (12.00), **Тўмарис** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/IX да, **Ўғрини қароқчи урди** (19.30), 9/IX да **Тергов давом этади** (19.30), 10/IX да **Олтин девор** (19.30).

Кино

8 сентябрда
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (16, 18.40, 21.15).

Восток — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (18.30, 21.40).

Дружба — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (жуфт ва тоқ соатларда).

Ватан— «СИНДБОДНИНГ ЕТТИНЧИ САЁҲАТИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЁҚУТ КЎЗЛИ БИЛАГУЗУК» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «РОК УСУЛИДАГИ ФОЖИА» (17, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ЎЙНА, ЎЙНА» (16, 18.30, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАСОСКОР» (16, 18.30, 21.00).

Санъат саройи — «КОТТОН» КЛУБИ» (катта зал, 16, 18.30, 20.40); «САМРААТ» кичик зал, 17, 19.30).

Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШЛИК» (19, 20.30).

Фестиваль (ёзги) — «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (21.30).

9 сентябрда
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (11, 13.30, 16, 18.40, 21.15).

Восток — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (12, 15.15, 18.30, 21.40).

Дружба — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (жуфт ва тоқ соатларда).

Ватан —«СИНДБОДНИНГ ЕТТИНЧИ САЁҲАТИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЁҚУТ КЎЗЛИ БИЛАГУЗУК» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ЎЙНА, ЎЙНА» (11, 14, 17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАСОСКОР» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Санъат саройи — «КОТТОН» КЛУБИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «САМРААТ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (11, 15, 19, 20.40).

Фестиваль (ёзги) — «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (21.30).

К. Ёрматов номли — «ЎЙНА, ЎЙНА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги «УЗМЕДТЕХНИКА» республика ишлаб чиқариш савдо бирлашмасининг

ТОШКЕНТ КИСЛОРОД ЗАВОДИ

завод директори

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда 40 ёшдан ошмаган, олий техника ёки иқтисод маълумотига ҳамда мазкур соҳа бўйича раҳбарлик лавозимларида қамида 3 йил иш тажрибасига эга бўлган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурс муддати — 16 сентябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 107-алоқа бўлими, Чилонзор кўчаси, 86-уй. Телефон — 77-23-41.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚОЗОҚ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТЕАТР БИРЛАШМАСИ

профессионал актёрлик маҳорати ёки қозоқ театрида ишлаш учун ўзига хос миллий иқтидорга эга бўлган қозоқ ва қорақалпоқ миллатидан бўлган кишиларни

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Справкалар учун телефонлар — 24-77-88, 45-34-75, исталган вақтда қўнғироқ қилиш мумкин.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети томонидан **Бегматов Набижон** номига берилган Г-4162 45 номерли йўқолган

ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

С. Раҳимов район Медицина бирлашмаси ва 4-поликлиника коллективи шу поликлиника врачи А. Тошмуҳамедовага турмуш ўртоғи

Саъдулла ДУСТМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар идораси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яншанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р — 01463. Б. — 2017. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10